

ТАСДИҚЛАНГАН:
«Toshloq paxta tozalash» aksiyadorlik
jamiyati кузатув кенгашининг 2021 йил
09 ноябрь кунги мажлис қарори билан
Кузатув кенгashi раиси
Э. Эшанкулов

Имзо

М.У.



«РЎЙХАТДАН ўТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси

Молия Вазирлиги

вазир ўринбосари

О.Р.Исаев

Имзо

2021 йил

№ 400.99 - 8 - сон

М.У.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

«Toshloq paxta tozalash» aksiyadorlik jamiyati

(эмитентнинг тўлик номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

R	4	1	0	8	3	0	0	9	9	T	4
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 4000 сўмдан бўлган 3 924 592 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз
акциялар

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Ёпиқ обуна усулида.

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши:

8 – чиқарилишдир.

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдикланган:

Жамият кузатув кенгашининг 09 ноябрь 2021 йилдаги мажлиси қарори
асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги
қарорини тасдиклаган органи кўрсатилади)

Жамият кузатув кенгашининг 09 ноябрь 2021 йилдаги мажлиси қарори
асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни
қабул килган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефони:

Жойлашган манзил- Фаргона вилояти, Тошлок тумани, А.Навоий кўчаси 63 уй.

Почта манзили- Фаргона вилояти, Тошлок тумани, А.Навоий кўчаси 63 уй.

Индекс: 151500. Электрон почта манзили- info@toshloqpxata.uz Телефон: - (0373)-238-52-60

Тошпулатов Икромжон Исмоилович

Эмитентнинг раҳбари:

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Бош бухгалтер:

Аминжонова Махлиё Ёкубжоновна

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Муҳр



Сана: 09 ноябрь 2021 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):
оддий;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **4000 сўм**;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **3 924 592** дона оддий;
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **15 698 368 000** сўм;
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хукуқлари:

Акциялар ўз эгаларига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26, 27 моддалари ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган хукуқларни беради.

Жамиятнинг акциядорлари қуйидаги хукуқларга эга:

- жамият акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварагидан ўзига тааллукли кучирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ молмулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эрқин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукуқларини химоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сутурта қилиш хукуқига эга.
- Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- Акциядор томонидан хукуқларнинг амалға оширилиши бошқа акциядорларнинг хукуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.
- Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш хукуқидан маҳрум қилмайди.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги хар қандай чеклашлар:

Жамият уставида ушбу чиқарилишга нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.

Мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга кўра ушбу чиқарилишдаги акциялар 09.11.2021 йил холатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида уларнинг акциялари сонига мутаносиб равища жойлаштирилди.

8. Жамият устав капиталининг микдори (сўм): **2 242 624 000** сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Илгари хар бирининг номинал қиймати 4000 сўм бўлган 560656 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз кўринишдаги акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан илгари корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна):

(Ёпик обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна усулида жамиятнинг 09.11.2021 йил холатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида уларнинг акциялари сонига мутаносиб равища жойлаштирилди.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштириши бошлини санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириши муддатини белгилаш тартиби).

Агар акцияларни жойлаштириши муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиши санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиши тартиби ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) иш куни давомида жойлаштирилди. Бунда:

Жойлаштиришни бошлаш санаси: Акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана;

Жойлаштиришни тугатиш санаси: Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 60 (олтмиш) иш кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-хукуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириши амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириши эмитентга акцияларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиши билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равиша қўйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирмा номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамиятнинг 2021 йил 09 ноябрь холатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида ҳар бир акциядорнинг унга тегишли бўлган хар бир дона акциясига 1:7 коэффициентда (**яъни хар бир дона акция учун етти дона акция**) акцияларни тақсимлаш орқали жойлаштирилди.

Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида фуқаролик-хукуқий битимлар тузмасдан амалга оширилди.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият томонидан мустақил равища, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари (андеррайтерлар) ни жалб этмасдан жойлаштирилди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган хукуқларни ҳисобга олишини амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-хукуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирмা номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ фирмা номи: «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй.

Почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 107 уй.

Телефон: (0371) 267-37-42.

Кимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишини амалга оширучи инвестиция воситачилари тўғрисида маълумот:

1. Тўлиқ фирма номи: "ISHONCH LTD" масъулияти чекланган жамияти.

Жойлашган жойи: 150100, Фарғона шаҳри, Қомус кӯчаси, 40 уй.

Почта манзили: 150100, Фарғона шаҳри, Қомус кӯчаси, 40 уй.

Телефон рақами ва факс: (73) 244-30-37.

Инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия рақами: №1201, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2010 йил 29 ноябрда берилган.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

2. Тўлиқ фирма номи: «DEPOZITARIY FARG`ONA VAQT» масъулияти чекланган жамияти.

Жойлашган жойи: 150100, Фарғона шаҳри, С. Темур кӯчаси 45-уй.

Почта манзили: 150100, Фарғона шаҳри, С. Темур кӯчаси 45-уй.

Телефон: (90) 290-62-58.

Инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия рақами: №1244, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 22.04.2013 йилда берилган.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қўйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириши эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириши тартиби.).

Жамиятнинг устав фонди ўз капитали ҳисобидан қўпайтирилиши муносабати билан ушбу чиқарилишдаги акцияларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштириша акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирмаломлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчиртиши лозим бўлган ҳисобваракфарнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиши-топшириши далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниqlashi учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирмаломлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

Ушбу чиқарнишдаги акциялар учун тўловлар жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасинииг капитализация учун ажратилган қисми 15 698 368 000 сўм хисобидан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилув амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул килинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичida қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бузгалтерия ўтказмаларини бериш орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан Қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофик ошкор қилиши тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан бөглиқ ахборот қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қўйидагича ошкор қилинади:

-қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий сайтида: www.openinfo.uz

- жамиятнинг корпоратив веб-сайтида: www.toshloqpaxta.uz;

-агар жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса фонд биржасининг расмий веб-сайтида: www.uzse.uz.

Мазкур акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Тошлок тумани, Тошлок шаҳарчаси, А.Навоий кўчаси 63 уйдаги жамият жойлашган манзили бўйича иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишиши мумкин.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг нусхасини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: **Бошқа маълумотлар кўзда тутилмаган.**